




INNOVATIVE WORLD
Ilmiy tadqiqotlar markazi

ZAMONAVIY ILM-FAN VA TA'LIM: MUAMMO VA YECHIMLAR ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



Google Scholar doi

zenodo

OpenAIRE



+998335668868



<https://innoworld.net>

2026



**«INNOVATIVE WORLD» ILMIY TADQIQOTLARNI QO'LLAB-
QUVVATLASH MARKAZI**

**«ZAMONAVIY ILM-FAN VA TADQIQOTLAR: MUAMMO VA
YECHIMLAR» NOMLI 2026-YIL № 5-SONLI ILMIY,
MASOFAVIY, ONLAYN KONFERENSIYASI**

**ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYA TO'PLAMI
СБОРНИК НАУЧНЫХ-ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЙ
SCIENTIFIC-ONLINE CONFERENCE COLLECTION**

Google Scholar



ResearchGate

zenodo



ADVANCED SCIENCE INDEX



OpenAIRE



**Academic
Resource
Index
ResearchBib**



Directory of Research Journals Indexing

www.innoworld.net

O'ZBEKISTON-2026



КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА REAL-TIME МОНИТОРИНГ МЕХАНИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Begalov Sherzod Maxsutaliyevich

Angren Universiteti iqtisodiyot va moliya kafedrası o`qituvchisi

ORCID: 0009-0001-9689 -7056

begalovserzod@gmail.com

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарда молиявий бошқарув самарадорлигини оширишда Real-Time мониторинг механизмларининг аҳамияти тадқиқ этилган. Молиявий бошқарувнинг назарий асослари таҳлил қилиниб, корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларини реал вақт режимида кузатиш, пул оқимларини прогнозлаш ва ликвидлик хавфларини баҳолашга хизмат қилувчи интеграциялашган рақамли мониторинг механизми таклиф этилган. Ушбу ёндашув молиявий рискларни камайтириш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш тезкорлигини ошириш имконини беради.

Калит сўзлар: молиявий бошқарув, Real-Time мониторинг, рақамли трансформация, пул оқимлари, ликвидлик, молиявий рисклар, бизнес-интеллект, ERP тизимлари, рақамли мониторинг, бошқарув қарорлари.

Аннотация. В статье исследовано значение механизмов Real-Time мониторинга в повышении эффективности финансового управления предприятиями в условиях цифровой экономики. Проанализированы теоретические основы финансового управления и предложен интегрированный цифровой механизм мониторинга, позволяющий в режиме реального времени отслеживать финансовые показатели предприятия, прогнозировать денежные потоки и оценивать риски ликвидности. Обосновано, что применение данного подхода способствует снижению финансовых рисков и повышению оперативности принятия управленческих решений.

Ключевые слова: финансовое управление, Real-Time мониторинг, цифровая трансформация, денежные потоки, ликвидность, финансовые риски, бизнес-аналитика, ERP-системы, цифровой мониторинг, управленческие решения.

Abstract. This article examines the significance of Real-Time monitoring mechanisms in improving the efficiency of financial management in enterprises operating in a digital economy. The theoretical foundations of financial management are analyzed, and an integrated digital monitoring mechanism is proposed that enables real-time tracking of an enterprise's financial indicators, forecasting of cash flows, and assessment of liquidity risks. The study substantiates that the application of this approach contributes to reducing financial risks and increasing the speed and effectiveness of managerial decision-making.

Keywords: financial management, Real-Time monitoring, digital transformation, cash flows, liquidity, financial risks, business intelligence, ERP systems, digital monitoring, managerial decision-making.

Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлашда молиявий бошқарув тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, инфратузилма хизматлари кўрсатувчи корхоналарда дебитор қарздорликнинг юқори даражаси, операцион харажатларнинг ўсиши, инвестиция лойиҳаларининг кўпайиши ва пул оқимларининг нотекис шаклланиши молиявий қарорларни қабул қилиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Шу

сабабли молиявий маълумотларни реал вақт режимида кузатиш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш имконини берувчи замонавий рақамли бошқарув механизмларини жорий этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Замонавий илмий тадқиқотларда рақамли технологиялар ва ахборот тизимларини молиявий бошқарув жараёнларига интеграция қилиш корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида баҳоланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ–81-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида[1] давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий корпоратив бошқарув механизмларини жорий этиш, молиявий кўрсаткичларни рақамли мониторинг қилиш ва ресурслардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш вазифалари белгиланган. Бу эса корхоналарда Real-Time мониторинг тизимларини жорий этиш, пул оқимларини прогнозлаш ва молиявий қарорларни қабул қилишнинг рақамли механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларнинг аҳамиятини янада оширади.

Шу нуқтаи назардан, корхоналарда молиявий кўрсаткичларни реал вақт режимида мониторинг қилиш, ликвидлик рискларини барвақт аниқлаш ва бошқарув қарорларини тезкор қабул қилиш имконини берувчи механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Молиявий бошқарувнинг назарий асосларини ўрганиш шуни кўрсатдики, турли иқтисодий мактаблар ва олимлар томонидан мазкур тушунчага нисбатан турлича ёндашувлар шаклланган бўлса-да, уларнинг умумий мазмуни корхонанинг молиявий ресурсларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Жумладан, Г.В. Савицкая молиявий бошқарувни ресурсларни жалб қилиш ва улардан оқилona фойдаланишга йўналтирилган қарорлар тизими сифатида баҳолаган [2], И.А. Бланк эса уни корхонанинг стратегик мақсадларига эришишга хизмат қилувчи молиявий муносабатлар ва қарорлар мажмуаси сифатида талқин этади [3]. Brigham ва Ehrhardt ёндашувларида молиявий бошқарувнинг асосий мақсади компания қийматини ошириш ва капиталдан самарали фойдаланиш билан изоҳланади [4]. Мазкур ёндашувларнинг қиёсий таҳлили молиявий бошқарув корхонанинг молиявий барқарорлиги, рақобатбардошлиги ва узоқ муддатли иқтисодий ривожланишини таъминловчи муҳим бошқарув механизми эканлигини кўрсатди.

Тадқиқот жараёнида молиявий бошқарувнинг асосий вазифалари ҳам тизимлаштирилди. Улар молиявий ресурсларни жалб қилиш ва диверсификация қилиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, ликвидлик ва тўлов қобилиятини таъминлаш, молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда инвестиция сиёсати самарадорлигини ошириш каби йўналишларни қамраб олади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда Modigliani–Millerнинг капитал тузилиши назарияси [5], Фаманинг самарали бозор гипотезаси [6], Baumol ва Miller–Ortнинг ликвидликни бошқариш моделлари [7], шунингдек Damodaran томонидан ишлаб чиқилган компания қийматини бошқариш ёндашувлари [8] муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу назариялар молиявий қарорларни қабул қилишда

капитал самарадорлиги, риск ва ликвидлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш имконини беради.

Замонавий рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий бошқарув вазифаларини самарали амалга ошириш ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан Верхуф ва бошқалар рақамли трансформациянинг корхона бошқарув тизимлари самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини асослаб берган бўлса [9], Юссеф ва Махама бизнес-интеллект ҳамда ERP тизимларининг бошқарув қарорлари сифатини оширишдаги ролини таъкидлайди [10]. Шу билан бирга, Bhimani рақамли маълумотлар ва аналитик ёндашувларнинг молиявий бошқарув жараёнларидаги аҳамиятини асослаб берган [11], Bandara ва бошқалар эса катта маълумотлар технологияларини ERP тизимлари билан интеграция қилиш корхоналарнинг тезкор бошқарув имкониятларини кенгайтиришини таъкидлайди [12].

Шу асосда корхоналарда молиявий бошқарувнинг рақамли моделини шакллантиришда пул оқимларини прогнозлаш, дебитор ва кредитор қарздорликни мониторинг қилиш, ликвидликни баҳолаш ҳамда сценарийли таҳлил усулларида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланди. Мазкур ёндашув корхоналарнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва стратегик ривожланиш мақсадларига эришиш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Тадқиқот доирасида корхоналарнинг молиявий кўрсаткичларини Real-Time режимида кузатиш, пул оқимларини прогнозлаш ва ликвидлик хавфларини баҳолаш имконини берувчи интеграциялашган рақамли мониторинг механизми таклиф этилди. Мазкур механизм молиявий қарорларни қабул қилиш тезкорлигини ошириш, молиявий рискларни барвақт аниқлаш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Механизмнинг асосий таркибий қисмлари маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва визуал мониторинг блокларида ташкил топган бўлиб, улар молиявий кўрсаткичлардаги ўзгаришларни тезкор аниқлаш имконини беради. Шунингдек, тизимда шакллантирилган автоматлаштирилган оғохлантириш функцияси ликвидлик даражаси пасайиши, пул оқимларидаги номутаносибликлар ва молиявий хавфларнинг юзага келиш эҳтимолини барвақт аниқлаш ҳамда тегишли бошқарув чораларини ўз вақтида қабул қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари корхоналарда Real-Time мониторинг технологиялари ва пул оқимларини прогнозлаш алгоритмларини жорий этиш молиявий бошқарув самарадорлигини сезиларли даражада оширишини кўрсатди. Таклиф этилган механизм молиявий маълумотларни реал вақт режимида қайта ишлаш, ликвидлик рискларини барвақт аниқлаш ва бошқарув қарорларини тезкор қабул қилиш имконини яратади.

Олиб борилган тадқиқотлар Real-Time мониторинг технологияларини молиявий бошқарув жараёнларига интеграция қилиш ликвидликни бошқариш самарадорлигини ошириш имконини беришини кўрсатди. Шунингдек, мазкур ёндашувнинг молиявий рискларни камайтириш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш тезкорлигини таъминлашга хизмат қилиши асосланди.

Натижада корхоналарнинг жорий ликвидлиги, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги яхшиланади, дебитор қарздорлик камаяди ҳамда молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ортади. Шу боис мазкур механизмни

инфратузилма хизматлари кўрсатувчи ва саноат корхоналари фаолиятида кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ-81-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
2. Савицкая, Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия / Г.В. Савицкая. – Минск : Новое знание, 2007. – 688 с.
3. Бланк, И.А. Основы финансового менеджмента : в 2 т. / И.А. Бланк. – Киев : Ника-Центр, 2004. – Т. 1. – 624 с.
4. Brigham, E.F. Financial Management: Theory and Practice / E.F. Brigham, M.C. Ehrhardt. – 15th ed. – Boston : Cengage Learning, 2016. – 1184 p.
5. Modigliani, F. The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment / F. Modigliani, M.H. Miller // American Economic Review. – 1958. – Vol. 48, No. 3. – P. 261–297.
6. Fama, E.F. Efficient Capital Markets: A Review of Theory and Empirical Work / E.F. Fama // Journal of Finance. – 1970. – Vol. 25, No. 2. – P. 383–417.
7. Baumol, W.J. The Transactions Demand for Cash: An Inventory Theoretic Approach / W.J. Baumol // Quarterly Journal of Economics. – 1952. – Vol. 66, No. 4. – P. 545–556; Miller, M.H. A Model of the Demand for Money by Firms / M.H. Miller, D. Orr // Quarterly Journal of Economics. – 1966. – Vol. 80, No. 3. – P. 413–435.
8. Damodaran, A. Applied Corporate Finance / A. Damodaran. – 4th ed. – Hoboken : John Wiley & Sons, 2015. – 688 p.
9. Verhoef, P.C. Digital Transformation: A Multidisciplinary Reflection and Research Agenda / P.C. Verhoef, T. Broekhuizen, Y. Bart, A. Bhattacharya, J.Q. Dong, N. Fabian, M. Haenlein // Journal of Business Research. – 2021. – Vol. 122. – P. 889–901. – DOI: 10.1016/j.jbusres.2019.09.022.
10. Youssef, M.A.E.-A. Does Business Intelligence Mediate the Relationship Between ERP and Management Accounting Practices? / M.A.E.-A. Youssef, H. Mahama // Journal of Accounting & Organizational Change. – 2021. – Vol. 17, No. 5. – P. 686–703. – DOI: 10.1108/JAOC-02-2020-0026.
11. Bhimani, A. Digital Data and Management Accounting: Why We Need to Rethink Research Methods / A. Bhimani // Journal of Management Control. – 2020. – Vol. 31, No. 1–2. – P. 9–23.



	Ubaydullayeva Maxmudaxon Nasrullo qizi Scientific supervisor: Karimova Feruzaxon	
72.	Tafakkur. Bolalarda tafakkurning rivojlanishi Xodjayeva Saida Qodirovna	290
73.	THE IMPACT OF GREEN FINANCE INSTRUMENTS ON THE STABILITY OF THE NATIONAL BANKING SYSTEM AND ECONOMIC DEVELOPMENT Ermuminov Elbek Erkin ugli	296
74.	TINCHLIK VA HOTIRJAMLIK – BEBAHO NE'MATDIR! Mamadaliyev H. Y Zulfidinova Muxlisaxon	303
75.	XALQARO YUK TASHISHDA SUN'IY INTELLEKT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH ISTIQBOLLARI Mamadaliyev Nodirbek Obidjon o'g'li	308
76.	XALQARO YUK TASHISH YO'NALISHLARIDA LOGISTIKA JARAYONLARINI RAQAMLASHTIRISH Mamadaliyev Nodirbek Obidjon o'g'li	312
77.	Raqamli transport koridorlari va "Yashil yo'lak" tizimini takomillashtirish. Mamadaliyev Nodirbek Obidjon o'g'li	316
78.	YO'NALISHLAR SAMARADORLIGI VA TRANSPORT OQIMINI BAHOLASH Otaqulov Yashnarbek	320
79.	O'ZBEK TILIDAGI KASHTACHILIK NOMLARINI IFODALOVCHI SO'ZLARING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI Tursunaliyeva Shahnoza Otabek qizi,	326
80.	КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА REAL-TIME МОНИТОРИНГ МЕХАНИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ Begalov Sherzod Maxsutaliyevich	331
81.	ECONOMIC IMPORTANCE OF RESOURCE UTILIZATION IN GRAIN PROCESSING ENTERPRISES Aipova Iroda Ikramovna	335
82.	ENTREPRENEURSHIP AND INNOVATION ECOSYSTEM DEVELOPMENT IN THE GRAIN PRODUCTS COMPLEX OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN Aipova Iroda	337

